



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOғLIҚNI
SAҚLASH VAZIRLIGI

ANDIJON DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI



**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИНИ
2022-2030 ЙИЛЛАРДА РИВОЖЛАНТИРИШ
КОНЦЕПЦИЯСИ (СТРАТЕГИЯСИ) ВА ДАСТУРИ**



АНДИЖОН - 2022

1. АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ХАҚИДА

Андижон давлат тиббиёт институти тиббиёт йўналишидаги таълим даргоҳи ҳисобланиб, собиқ СССР Министрлар Советининг 1955 йил 2 августдаги 241-сонли ҳамда собиқ Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1955 йил 21 сентябрдаги 639-сонли қарорлари асосида ташкил этилган. Шу йили Андижон давлат медицина институти деб аталган. 1955 йилнинг 21 сентябрь куни институтнинг ташкил топган куни деб ҳисобланади. Институт Соғлиқни Сақлаш вазирлиги тасарруфига киритилган.


Андижон давлат тиббиёт институти ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарор ва фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарор ва фармойишлари, Олий мажлис қарорлари, “Олий таълим тўғрисида”ги Низом ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий ҳужжатлари ва ўз Уставига амал қилади.

Андижон давлат тиббиёт институти юридик шахс ҳисобланади. Мустақил балансга, банк муассасаларида ҳисоб-китоб ва бошқа, шу жумладан, валюта бўйича ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга, штамплар ва бошқа реквизитларга эга. Андижон давлат тиббиёт институти жойлашган манзил: Ўзбекистон Республикаси, Андижон шаҳри, Юсуф Отабеков кучаси, 1-уй.

Ҳозирги кунда институтда **4** та факультет (“Даволаш иши”, “Педиатрия иши”, “Стоматология”, “Врачларни малакасини ошири ва қайта тайёрлаш”) ва **6** та йуналиш (“Касб таълими”, “Фармация”, “Саноат фармацияси”, “Тиббий профилактика”, “Олий хамширалик иши”, “Халқ табobati”), **56** та кафедралар фаолият кўрсатмоқда ва бакалавр таълим йўналишларида **7416** нафар, халқаро факультетда жами **273** нафар хорижий давлатлар (Шимолий Корея, Хиндистон, Покистон, Непал, Россия, Афғонистон, Қирғизистон) фуқаролари, **37** нафар талаба Россия (Доғистон) қўшма дастур асосида, **25** та магистратура мутахассисликлари бўйича **516** нафар талабалар таҳсил олмоқда. Талабаларга билим ва кўникмалар бериш учун институтда **783** нафар профессор-ўқитувчилар фаолият юритмоқда. Уларнинг **40** нафари фан доктори ва профессорлар, **204** нафари фан номзоди ва доцентлардир.

Институт ташкилий тузилмаси қуйидагича.

Андижон давлат тиббиёт институтининг ташкилий тузилмаси



2. ИНСТИТУТ МИССИЯСИ

Институт миссияси - олий таълимнинг асосий ва қўшимча таълим Дастурларини бажариш бўйича замонавий, сифатли таълим фаолиятини олиб бориш, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ўқув-услугий ва илмий-тадқиқот, шунингдек бошқа фаолиятни амалга ошириш ҳамда таълим хизматларини кўрсатиш.

Институтнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услугий материалларини кенг жорий қилиш;
- ўқув-педагогик фаолиятга, маҳорат дарслари ўтказишга, малака ошириш курсларига хорижий ҳамкор таълим муассасаларидан юқори малакали ўқитувчилар ва олимларни фаол жалб қилиш;
- хорижий ҳамкор университетлар базасида тизимли асосда республикамиз олий таълим муассасалари магистрант, ёш ўқитувчи ва илмий ходимларининг стажировка ўташларини, профессор-ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш;
- олий маълумотли мутахассислар тайёрлашнинг мақсадли параметрларини шакллантириш, олий таълим муассасаларида ўқитиш йўналишлари ва мутахассисликларини истиқболда минтақалар ва иқтисодиёт тармоқларини комплекс ривожлантириш, амалга ошириладиган ҳудудий ва тармоқ дастурларининг талабларини инобатга олган ҳолда оптималлаштириш;
- таълим жараёнини, олий таълимнинг ўқув режа ва дастурларини янги педагогик технологиялар ва ўқитиш усулларини кенг жорий этиш, магистратура илмий-таълим жараёнини сифат жиҳатидан янгилаш ва замонавий ташкилий шаклларни жорий этиш асосида янада такомиллаштириш;
- янги авлод ўқув адабиётларини яратиш ва уларни олий таълим муассасаларининг таълим жараёнига кенг татбиқ этиш, олий таълим муассасаларини замонавий ўқув, ўқув-методик ва илмий адабиётлар билан таъминлаш, шу жумладан, энг янги хорижий адабиётлар сотиб олиш ва таржима қилиш, ахборот-ресурс марказлари фондларини мунтазам янгилаб бориш;
- педагог кадрларнинг касб маҳорати сифати ва савиясини узлуксиз юксалтириш, хорижда педагог ва илмий ходимларнинг малакасини ошириш ва стажировкасини ўтказиш, олий таълим муассасалари битирувчиларини PhD ва магистратура дастурлари бўйича ўқитиш, олий таълим муассасалари ва қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказлари ўқув жараёнларига юқори малакали хорижий олимлар, ўқитувчи ва мутахассисларни кенг жалб қилиш;

- институт илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш, илм-фанни янада ривожлантириш, унинг академик илм-фан билан интеграциялашувини кучайтириш, институ профессор-ўқитувчиларининг илмий тадқиқот фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш, иқтидорли талаба-ёшларни илмий фаолият билан шуғулланишга кенг жалб этиш;

- институтда тарбиянинг маънавий-ахлоқий мазмунини ошириш, талаба-ёшларга мустақиллик ғояларига, юксак маънавият ва инсонийликнинг миллий анъаналарига содиқлик руҳини чуқур сингдириш, уларда ёт ғоя ва мафкураларга нисбатан иммунитет ва танқидий тафаккурни мустаҳкамлаш бўйича кенг кўламли маърифий ва тарбиявий ишларни олиб бориш;

- олий таълим муассасалари моддий-техника базасини ўқув ва илмий-лаборатория бино ва корпуслари, спорт иншоотлари, ижтимоий-муҳандислик инфратузилмаси объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, олий таълим илм-фанининг устувор йўналишлари бўйича ўқув-илмий лабораторияларини замонавий асбоб ва ускуналар билан жиҳозлаш орқали янада мустаҳкамлаш;

- олий таълим муассасаларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситалари билан жиҳозлаш, олий таълим муассасалари талабалари, ўқитувчилари ва ёш тадқиқотчиларининг жаҳон таълим ресурслари, замонавий илмий адабиётларнинг электрон каталоглари ва маълумотлар базаларига кириш имкониятларини кенгайтириш

- шахснинг интеллектуал, маданий ва маънавий-ахлоқий камол топишига бўлган эҳтиёжларини олий таълим ва олий таълимдан кейинги маълумот олиши орқали эришишни қондириш;

- ҳар томонлама ривожланган ва содиқ шахсни, мустақил давлат фуқаросини, ўз Ватани фидойиси, халқ, жамият ва оила олдидаги ўз масъулиятини ҳис қилувчи, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилувчи, халқ анъаналарини бойитувчи ва мустаҳкамловчи, Ватанимиз келажаги учун виждонан ва ҳалол меҳнат қилувчи этиб шакллантириш;

- илмий-педагогик ходимлар ва таълим олувчиларнинг тадқиқотлари ва ижодий фаолиятлари орқали фанни тараққий эттириш, олинган натижалардан таълим жараёнида фойдаланиш;

- тиббиётнинг барча соҳаларидаги олий маълумотли мутахассисларни ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

- жамиятнинг ахлоқий, маданий ва илмий қадриятларини сақлаш ва бойитиш;

- аҳоли ўртасида тиббий билимларни тарқатиш, унинг маънавий-маърифий ва маданий даражасини кўтариш.

3. ЖОРИЙ ҲОЛАТНИНГ УМУМИЙ ТАҲЛИЛИ (асосий муаммолар)

1. Йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича ўқув режалар ва фан дастурлари кадрлар истеъмолчилари талаблари асосида мунтазам равишда такомиллаштирилиши зарур.

2. Ўқув жараёни жадвалини талабаларнинг вақт бюджети асосида такомиллаштириш зарур, аудитория машғулоти салмоғи камайтирилиб, аудиториядан ташқари ўтказилмаган мустақил иш ҳажми ўсиб бориши лозим.
3. Талабаларга юқори савияда билим бериш учун замон талабига мос равишда дарслик ва ўқув қўлланмаларни тайёрлаш зарур.
4. Юқори малакали кадрларни тайёрлаш учун кадрлар истеъмолчилари билан алоқаларни мустаҳкамлаб бориш мақсадга мувофиқдир, айниқса, талабаларни малакавий амалиётини ташкил этиш, корхона ва ташкилотлар мисолида битирув малакавий ишлари ҳамда магистрлик диссертацияларини тайёрлашда.
5. Ўқув жараёнини самарадорлигини ошириш учун педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш самарадорлигини ошириш лозим.
6. Талабалар билимини баҳолаш рейтинг тизими такомиллаштиришни ҳам талаб этмоқда.
7. Талабаларни билими ва тайёргарлик даражасини баҳолайдиган давлат аттестация комиссиялари иши такомиллаштиришни талаб этади.
8. Талабалар мустақил ишлари кўламини ошириш юқори самара беради. Мустақил ишларнинг турлари ҳамда шакллари такомиллаштириш зарур.
9. Кафедралар фаолиятини баҳоловчи кўрсаткичлар тизимини такомиллаштириш зарур.
10. Профессор-ўқитувчилар илмий-педагогик салоҳиятини ошириш мақсадида уларни корхона ва ташкилотларга 6 ойлик стажироваларга юбориш мақсадга мувофиқдир.
11. Профессор-ўқитувчилар фаолиятини баҳоловчи ички аттестацияларни такомиллаштириш зарур.
12. Профессор-ўқитувчилар томонидан шахсий ўқув юктамаларига киритилган соатларни бажарилиши мониторингини такомиллаштириш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 24 декабрдаги ПҚ–60-сон Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Андижон давлат тиббиёт институти томонидан 2022 йил давомида амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаси

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
I. Академик мустақиллик соҳасида					
1.	Хорижий олий таълим муассасалари ўқув режалари	1. Хорижий олий таълим муассасалари ўқув режалари ва ўқув дастурларини ўрганиш	2022 йил август	Маблағ талаб этилмайди	Институт кузатув кенгаши,

	<p>ва ўқув дастурлари асосида институт ўқув режалари ва ўқув дастурларига ўзгартириш киритиш, тасдиқлаш, таълим тилини, шунингдек, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишган ҳолда таълим олиш шаклини белгилаш</p>	<p>бўйича ишчи гуруҳ тузулади</p> <p>2. Нуфузли хорижий тиббиёт олий таълим муассасалари ўқув режалари ва ўқув фан дастурлари ўрганилади, муҳокама қилинади, танланади.</p> <p>3. Хорижий олий таълим муассасалари ўқув режалари, ўқув фан дастурлари билан институт ўқув режалари, ўқув фан дастурлари оптимизация қилинади, ўқув режадаги фанлар кетма-кетлиги кўриб чиқилади ҳамда ўқув фан дастурларидаги тематик мавзулар сараланади.</p> <p>4. Институт Кенгашида ўқув режалари ва ўқув фан дастурлари кўриб чиқилади, институт ректори ва ўқув ишлари бўйича проректор томонидан тасдиқланади</p> <p>5. Олий ва ўрта махсус таълим, соғлиқни сақлаш вазирликлари билан келишган ҳолда таълим олиш шакли белгиланади.</p>			<p>Институт Кенгаши Институт ректори Ўқув ишлари бўйича проректор (Б.Абдуллажанов), Ўқув услубий бошқарма бошлиғи (Қ.Юсупов), Кафедра мудирлари</p>
2.	<p>Таълим йўналишлари ва мутахассисликлар учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талаблар асосида таълим давомийлигининг умумий муддатларини белгилаш</p>	<p>1. Институтда мавжуд бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари иш берувчилар эҳтиёжлари асосида ўрганиб чиқилади.</p> <p>2. Янги йўналишлар ва мутахассисликлар ташкил этилади ёки эҳтиёж мавжуд бўлмаган таълим йўналишлари, мутахассисликлар тугатилади.</p>	2022 йил июнь-август	Маблағ талаб этилмайди	<p>Институт кузатув кенгаши, Институт Кенгаши, Институт ректори, Ўқув ишлари бўйича проректор (Б.Абдуллажанов), Факультет деканлари,</p>

		3. Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талаблар асосида институтда мавжуд бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари хусусиятларидан келиб чиқиб, ривожланган хорижий тиббиёт ОТМлари тажрибаларини ўрганган ҳолда таълим давомийлиги муддатларини қайта кўриб чиқилади ва белгиланади.			магистратура бўлими бошлиғи, маркетинг бўлими (А.Зияев), карьера маркази бошлиғи (А.Солиев)
		4. Олий ва ўрта махсус таълим, соғлиқни сақлаш вазирликлари билан келишган ҳолда таълим олиш муддатлари белгиланади.			
3.	Институт ва унинг тузилмасидаги таълим муассасалари учун ўз грифи асосида замонавий дарсликлар ва бошқа ўқув адабиётларини яратиш тартибини белгилаш	1. Институт, жамоат саломатлиги техникумлари, тиббиёт коллежлари, академик лицейлар намунавий дастурларида келтирилган адабиётларни тиллар кесимида мавжудлиги ўрганилади. 2. Етишмаётган адабиётлар рўйхатини шакллантирилади. 3. Институт профессор-ўқитувчилари томонидан институтнинг ўз грифи асосида замонавий дарсликлар ва бошқа ўқув адабиётлар яратиш йўлга қўйилади. 4. Институт профессор-ўқитувчилари томонидан яратилган ўқув адабиётларни кўриб чиқиш, экспертизадан ўтказиш учун ишчи гуруҳ шакллантирилади. 5. Экспертизадан ўтган ўқув адабиётлар ОТМ Кенгашида тасдиқланади ва гриф берилади.	Ўқув йили давомида	Ҳисоб-китоб асосида институт бюджетдан ташқари маблағлари	Институт кузатув кенгаши, Институт Кенгаши, Институт ректори, Ўқув ишлари бўйича проректор (Б.Абдуллажанов), Молия иқтисодиёт ишлари бўйича проректор (З.Мамажонов), кафедра мудирлари, жамоат саломатлиги техникумлари, тиббиёт коллежлари, академик лицей ўқитувчилари
4.	Таълим беришнинг кредит-модул тизими шароитида профессор-ўқитувчилар таркиби, ўқув юкламаси,	1. Таълим беришнинг кредит-модул тизими шароитида ҳар бир кафедра, унда ўқитиладиган фанлар бўйича профессор-ўқитувчилар таркиби таҳлил қилинади.	2022 йил июл-август	Маблағ талаб этилмайди	Институт кузатув кенгаши, Институт Кенгаши, Институт ректори,

	меҳнатини меъёрлаштиришда иш вақтининг фақат ўқув ишларига асосланган ҳолда мустақил амалга ошириш.	2. Талабалар контингентидан келиб чиқиб, профессор-ўқитувчилар ўқув юкларини лавозим (кафедра мудири, кафедра профессори, кафедра доценти, катта ўқитувчи, ассистент) лар бўйича белгиланади. 3. Профессор-ўқитувчилар меҳнатини меъёрлаштиришда иш вақтининг фақат ўқув ишларига асосланган ҳолда мустақил амалга ошириш.			Ўқув ишлари бўйича проректор (<i>Б.Абдуллажанов</i>), Режа молия бўлими (<i>А.Ахмедова</i>), Ўқув услубий бошқарма бошлиғи (<i>Қ.Юсупов</i>)
5.	Докторантурада тўлов кантракт асосида ўқиш қийматини белгилаш, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан грант ажратиш орқали докторантурага танлов асосида квотага қўшимча равишда қабул қилиш; Докторант ва мустақил изланувчиларга илмий раҳбарлик қилиш тартибини тасдиқлаш.	1. Докторантурада тўлов кантракт асосида ўқиш қиймати белгиланади 2. Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан грант ажратиш орқали докторантурага танлов асосида квоталарни кўпайтирилади 3. Институт профессорларидан докторант ва мустақил изланувчиларга илмий раҳбарлик қилишини ташкил этилади ва мониторинги олиб борилади.	Режа асосида	Бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан	Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор (<i>К.З.Салахитдинов</i>), Илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш бўлимининг бошлиғи (<i>Г.Н.Маматхужаева</i>), Бош хисобчи (<i>Б.Нурдинов</i>)
6.	Академик мобилликни амалга ошириш орқали таълим сифатини ошириш	1. Ўқитувчилар таркибидан саралаб олиш 2. Илмий иш билан шуғулланувчи ходимларни танлаш. 3. Узоқ ва яқин хориж университетлари, илмий-тадқиқот институтлари билан, шартнома тузиш. 4. Номзодлар рўйхатини шакиллантириш 5. Академик талаба алмашинувини амалга ошириш	Режа асосида	Бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан, грантлар	Халқаро факультет декани Г.Яхшибоева, Халқаро алоқалар бўлими
7.	Хорижий давлат фуқароларини ўқишга қабул қилиш.	1. Хорижий фуқароларни ўқишга жалб қилиш мақсадида рўзинома ва телевидинларда тарғибот ишларини ўтказилади	Йил давомида	Бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан	Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор

		2. Хорижий талабаларни (фуқароларни) қабул қилиш ва кўчириш учун тегишли бўлган зарур ҳужжатларни жорий этилади.			(К.З.Салахиддинов), Маркетинг бўлими бошлиғи (А.Зияев), Халқаро факультет декани (Г.Яхшибоева), Халқаро алоқалар бўлими, қабул комиссияси
		3. Институт ўз ваколатларини қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ мустақил равишда амалга оширади.			
8.	Хорижий давлат фуқароларининг ўқишини хорижий олий таълим муассасаларидан АДТИ га кўчириш	1. Хорижий давлат фуқароларининг ўқишини хорижий олий таълим муассасаларидан АДТИ га кўчириш бўйича муражаатларини ўрганиб чиқиш. 2. Танлов комиссияси раиси ва масъул котиби ҳамда аъзоларини тасдиқлаш, имтиҳонлар жадвали, фан дастурлари, баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш. 3. Талабалар амалиётини ўташ тартибини ишлаб чиқиш. 4. Белгиланган мезон асосида хорижий фуқароларни ўқишини кўчиришга руҳсат бериш, қабул қилиш ва ҳужжатларини расмийлаштириш.	2022 йил август-сентябр	Маблағ талаб этилмайди	Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор (К.З.Салахиддинов), Халқаро факультет декани (Г.Яхшибоева), Халқаро алоқалар бўлими, Қабул комиссияси
9.	Қўшма дастур бўйича факультетлар салмоғини ошириш	1. Хорижий давлатлар билан музокаралар олиб бориш, шартномалар тузиш. 2. Нуфузли хорижий тиббиёт ОТМ лари билан ҳамкорликда бакалаврият ва магистратура бўйича қўшма таълим дастурлари ҳамда факультетлар ташкил этиш.	2022 йил май	Маблағ талаб этилмайди	Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор (К.З.Салахиддинов), Халқаро факультет декани (Г.Яхшибоева), Халқаро алоқалар бўлими
II. Молиявий мустақиллик соҳасида					
10.	Қўшимча таълим хизматларини, пуллик ўқув курсларни ташкил этиш орқали бюджетдан ташқари	1. Институт қошида кириш имтиҳонларига тайёрлаш курслари очилади. 2. Чет тилларини ўргатиш курслари очилади	2022 йил давомида	Бюджетдан ташқари маблағлар	Институт кузатув кенгаши, Институт Кенгаши, Институт ректори,

	маблағлар тушумини кўпайтириш	3. Хорижий фуқароларга рус тилини ўргатиш курсини очиш			Молия ва иқтисодиёт ишлари бўйича проректор.
11.	Талабаларнинг тўлов-контракт маблағларини тўлаш муддатларини белгилаш ва узайтириш	1. Ота-оналарнинг аризаларига асосан институт илмий кенгашида кўриб чиқилади. 2. Тўлов-контракт маблағларини тўлаш муддатларини белгилаш ва узайтиришлар институт илмий кенгаш қарорига асосан белгиланади.	2022 йил давомида	Бюджетдан ташқари маблағлар	Институт кузатув кенгаши, Институт Кенгаши, Институт ректори, Молия ва иқтисодиёт ишлари бўйича проректор, Бош ҳисобчи
12.	Бўш турган бино ва иншоотларда пуллик хизматлар кўрсатиш тартибини белгилаш	1. Бўш турган бино ва ер майдонларини тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро келишган ҳолда ижарага берилади. 2. Очиқ ва ёпиқ спорт майдонларини вақтинча ижарага берилади.	2022 йил давомида	Бюджетдан ташқари маблағлар	Институт кузатув кенгаши, Институт Кенгаши, Институт ректори, Молия ва иқтисодиёт ишлари бўйича проректор, Бош ҳисобчи
13.	Профессор-ўқитувчилар ва бошқа ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини, шунингдек, штат бирликлари сонини мустақил белгилаш.	1. Қўйилган даромадлар асосида ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашни мустақил белгиланади. 2. Зарур ҳолатларда штатларга мустақил ўзгартиришлар киритилади. 3. Меҳнат самардорлигини инобатга олган ҳолда ҳақ тўланади. 4. Илмий иш билан шуғилланаётган ходимларини юкламалари мустақил кўриб чиқиш. 5. Яратилган илмий, ўқув маҳсулотлари таҳлили асосида моддий рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқилади	2022 йил давомида	Бюджетдан ташқари маблағлар	Институт кузатув кенгаши, Институт Кенгаши, Институт ректори, Молия ва иқтисодиёт ишлари бўйича проректор, Бош ҳисобчи

14.	Таълим хизматлари бозоридаги талабни инобатга олган ҳолда тўлов-контракт асосида ўқитиш қийматини белгилаш	<p>1. Талабаларни тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилишда ички имкониятдан келиб чиқиб ўқитиш қийматини мустақил белгилаш. 3 баробардан оширмаган ҳолда босқичма-босқич олиб борилади.</p> <p>2. Ортирилган тўлов-контракт асосида талабаларни қабул қилишда талабалар квотаси ва ўқитиш қийматини мустақил белгиланади.</p>	2022 йил давомида	Бюджетдан ташқари маблағлар	Институт кузатув кенгаши, Институт Кенгаши, Институт ректори, Молия ва иқтисодиёт ишлари бўйича проректор, Бош ҳисобчи
15.	Мустақил равишда даромадлар ва йиллик харажатлар сметасини тузиш, ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда ташкилот раҳбари ролини ошириш.	<p>1. Ички имкониятдан келиб чиқиб даромадлар манбааларини аниқлаш.</p> <p>2. Харажатлар сметасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади.</p>	2022 йил давомида	Бюджетдан ташқари маблағлар	Институт кузатув кенгаши, Институт Кенгаши, Институт ректори, Молия ва иқтисодиёт ишлари бўйича проректор, Бош ҳисобчи
16.	Хўжалик шартномалари орқали даромадларни кўпайтириш.	Хўжалик шартномалар орқали йирик корхоналар билан институт профессор-ўқитувчилар томонидан тиббий кўриклар ташкил этиш.	2022 йил давомида	Бюджетдан ташқари маблағлар	Институт кузатув кенгаши, Институт Кенгаши, Институт ректори, Молия ва иқтисодиёт ишлари бўйича проректор, Илмий ишлар проректори, Бош ҳисобчи
17.	Институт маблағлари ҳисобидан талабалар учун ректор стипендияси ва грантлар ажратиш	Институт маблағлари ҳисобидан ўқиш ва жамоатчиликда, танловларда ва конференцияларда фаол иштирок этган талабалар учун стипендия ва грантлар ажратилади.	2022 йил давомида	Бюджетдан ташқари маблағлар	Институт кузатув кенгаши, Институт Кенгаши, Институт ректори, Молия ва иқтисодиёт ишлари бўйича проректор, ўқув ишлар бўйича проректор

					Бош ҳисобчи
18.	Хорижий талабалар сонини кўпайтириш.	<p>1. Институтнинг халқаро нуфузи ва жозибдорлигини ошириш. Хорижий талабалар сонини 500 нафарга етказиш орқали кўшимча тўлов-контракт маблағларини оширилади.</p> <p>2. Институтни таълим тизими хорижий давлатларда акредитациядан ўтказиш</p>	2022 йил давомида	Бюджетдан ташқари маблағлар	Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор (К.З.Салахиддинов), Маркетинг бўлими бошлиғи (А.Зияев), Халқаро факультет декани (Г.Яхшибоева), Халқаро алоқалар бўлими, қабул комиссияси
19.	Таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни қўллай оладиган, илмий изланиш олиб борадиган маҳаллий ҳамда хорижий профессор-ўқитувчи ва мутахассисларни шартнома асосида жалб қилиш	<p>1. Маҳаллий ҳамда хорижий профессор-ўқитувчи ва мутахассисларни шартнома асосида жалб қилиш кучайтирилади.</p> <p>2. Нуфузли хорижий ОТМ ва марказлари билан ҳамкорлик доирасини кенгайтириш</p> <p>3. Институтда хорижий профессор ўқитувчилар учун муносиб шароит яратиш</p>	2022 йил давомида	Бюджетдан ташқари маблағлар	Институт кузатув кенгаши, Институт Кенгаши, Институт ректори, Молия ва иқтисодиёт ишлари бўйича проректор, Бош ҳисобчи
20.	Ўқув-илмий жараёнларга жалб этилган хорижий юқори малакали мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорларини бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб белгилашга оид қарорлар қабул қилиш	<p>1. Хорижий юқори малакали мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорларини бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб белгилашга оид қарорлар қабул қилинади.</p> <p>2. Ўрганиш нормативларини ишлаб чиқиш</p> <p>3. Уларни рағбатлантириш тизимини жорий этиш</p>	2022 йил давомида	Бюджетдан ташқари маблағлар	Институт кузатув кенгаши, Институт Кенгаши, Институт ректори, Молия ва иқтисодиёт ишлари бўйича проректор, Бош ҳисобчи
21.	Хорижий давлатлардан ўқув ва илмий адабиётлар, дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмаларни муаллифлик ҳуқуқи бўлган ишлаб	Хорижий давлатлардан ўқув ва илмий адабиётлар, дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмаларни муаллифлик ҳуқуқи бўлган ишлаб чиқарувчилардан тўғридан-тўғри давлат биржа савдоларисиз, ўртақашсиз харид	2022 йил давомида	Бюджетдан ташқари маблағлар	Институт кузатув кенгаши, Институт Кенгаши, Институт ректори, Молия ва иқтисодиёт

	чиқарувчилардан тўғридан-тўғри харид қилиш	қилинади.			ишлари бўйича проректор, Бош ҳисобчи
III. Ташкилий-бошқарув мустақиллик соҳасида					
22.	Институт академик тузилмасини белгилаш	1. Ривожланган давлатлар таржибасини ўрганиш	Янги ўқув йилидан	Маблағ талаб этилмайди	Институт кузатув кенгаши, Институт Кенгаши, Институт ректори, Ўқув ишлари бўйича проректор (<i>Б.Абдуллажанов</i>), Ўқув услубий бошқарма бошлиғи (<i>Қ.Юсупов</i>) Кадрлар бўлими Бош юрист консулт
		2. Институт раҳбарияти, бўлимлари структурасини ўрганиб чиқиш ва тасдиқлаш			
		3. Институт кафедралари структурасини ўрганиб чиқиш ва тасдиқлаш			
		4. Институт раҳбарияти структурасига бошқарув менежменти бўйича хорижий мутахассис таклиф қилиш.			
23.	Вазирлик билан келишган ҳолда тўлов-контракт асосида ўқитиладиган янги таълим йўналишлари ва мутахассисликларни очиш, амалдаги таълим йўналишлари ва мутахассисликларни тугатиш	1. Худудлардаги мутахассисларга бўлган эҳтиёжларни иш берувчилардан ўрганиб чиқиш ва таҳлил ўтказиш	Янги ўқув йилидан	Маблағ талаб этилмайди	Институт кузатув кенгаши, Институт Кенгаши, Институт ректори, Ўқув ишлари бўйича проректор (<i>Б.Абдуллажанов</i>), Ўқув услубий бошқарма бошлиғи (<i>Қ.Юсупов</i>), Қабул комиссияси маъсул котиби, Маркетинг бўлими (<i>А.Зияев</i>), Карьера маркази бошлиғи (<i>А.Солиев</i>)
		2. Аниқланган эҳтиёжлар асосида янги ўқув йили учун таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича ўрин квоталарини белгилаш			
		3. Вазирликка янги таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича таклиф киритиш			
		4. Янги таълим йўналишлари ва мутахассисликларни очиш			

24.	Тегишли ихтисосликларда илмий унвонларни бериш ва бошқа олий таълим муассасалари томонидан берилган илмий унвонларни тан олиш	<p>1. “Профилактик тиббиёт” ва “Хирургия” ихтисосликлар бўйича диссертация химояларини ўтказиш.</p> <p>2. Ушбу ихтисосликлар бўйича илмий унвонларни бериш.</p> <p>3. Бошқа олий таълим муассасалари томонидан берилган илмий унвонларни тан олинади.</p>	Доимий	Маблағ талаб этилмайди	Институт кузатув кенгаши, Институт Кенгаши, Институт ректори, Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор (<i>К.Салохиддинов</i>)
25.	Илмий салоҳияти 40 фоиз ва ундан юқори бўлган давлат олий таълим муассасаларида илмий унвонлар тўғридан-тўғри олий таълим муассасаси кенгаши томонидан берилишини йўлга қўйиш	<p>1. Мавжуд ихтисослашган кенгашлар фаолиятини жадаллаштириш орқали институт илмий салоҳиятини босқичма босқич 40 фоиздан ортириш.</p> <p>2. Институтда илмий унвонлар тўғридан-тўғри институт кенгаши томонидан берилиши низомини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ қилиш</p>	Доимий	Ҳисоб-китоб асосида институт бюджетдан ташқари маблағлари	Институт кузатув кенгаши, Институт Кенгаши, Институт ректори, Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор (<i>К.Салохиддинов</i>)
26.	Ахборот тизимининг “Ўқув жараёнини бошқариш” қисмини жорий қилиш. Бунда олий таълим муассасасининг академик фаолияти, хусусан талабанинг даволат ҳисоботи, ўзлаштириш қайдномаси ва рейтинг дафтарчаси, шунингдек, гуруҳ журнали, дарс ва имтиҳон жадваллари рақамлаштирилиши	<p>1. Ахборот тизимининг “Ўқув жараёнини бошқариш” ва электрон платформани яратиш</p> <p>2. Институт, деканат, кафедра ва бўлимлар ўртасида ҳужжат алмашинуви дастурини яратиш ва амалиётга жалб қилиш.</p> <p>3. Электрон даволат, маълумотлар киритиш тизимини яратиш ва уни институт фаолиятига жорий этиш.</p> <p>4. Талабалар ўзлаштириш қайдномалари, гуруҳ журналлари, талаба синов дафтарчалари юрғазилишини электрон тизимини яратиш ва амалиётга жорий этиш.</p> <p>5. Институтда дарс ва имтиҳон жадваллари рақамлаштирилишини ташкил этиш, назорат тизимини яратиш.</p>	2022 йил 1 мартга қадар	Ҳисоб-китоб асосида институт бюджетдан ташқари маблағлари	Институт кузатув кенгаши, Институт Кенгаши, Институт ректори, Ўқув ишлари бўйича проректор (<i>Б.Абдуллажанов</i>), Ахборот-технологиялари бўйича проректор (<i>Ж.Жахонгиров</i>) Ўқув услубий бошқарма бошлиғи (<i>Қ.Юсупов</i>)
27.	Ахборот тизимининг “Маъмурий жараёни бошқариш” қисмини жорий	1. Ахборот тизимининг “Маъмурий жараёни бошқариш” қисмини жорий қилиш, электрон базаси шакиллантирилади.	2022 йил 1 мартга қадар	Ҳисоб-китоб асосида институт бюджетдан ташқари маблағлари	Институт кузатув кенгаши, Институт Кенгаши,

	<p>қилиш. Бунда олий таълим муассасасининг тузилмаси, бошқарув кадрлари, профессор-ўқитувчилар таркиби ва талабалар тўғрисидаги маълумотларни юритиш ҳамда тегишли ҳисоботларини тайёрлашни рақамлаштириш</p>	<p>2. Институт тузилмаси, бошқарув кадрлари, профессор-ўқитувчилар таркиби электрон базаси шакллантирилади.</p> <p>3. Талабалар тўғрисидаги маълумотларини базага киритилади барча маълумотлар электрон базаси шакллантирилади.</p>			<p>Институт ректори, Ўқув ишлари бўйича проректор (<i>Б.Абдуллажанов</i>), Кадрлар бўлими бошлиғи</p>
28.	<p>Ахборот тизимининг “Илмий жараёни бошқариш” қисмини жорий қилиш. Бунда профессор-ўқитувчиларнинг илмий лойиҳалари, мақолалари, илмий-услубий нашрлари, илмий изланувчилар тўғрисидаги маълумотлар базаси шакллантириш ҳамда профессор-ўқитувчилар ва кафедраларнинг илмий салоҳиятини баҳолаш масалалари автоматлаштириш.</p>	<p>1. Ахборот тизимининг “Илмий жараёни бошқариш” қисмини жорий қилиш бўйича профессор-ўқитувчиларнинг илмий лойиҳалари, мақолалари, илмий-услубий нашрлари электрон базаси шакллантирилади.</p> <p>2. Илмий изланувчилар тўғрисидаги маълумотлар базаси шакллантирилади</p> <p>3. Профессор-ўқитувчилар ва кафедраларнинг илмий салоҳиятини ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқарилади ва унинг ижроси таъминланади.</p> <p>4. Институт профессор-ўқитувчилари томонидан илмий лойиҳалари, мақолалари, илмий-услубий нашрлари сонини оширишни жадаллаштириш ва рақамлаштириш, ойма-ой мониторингини олиб борилади.</p>	Йил давомида	Институт бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан	<p>Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор (<i>К.З.Салахиддинов</i>), Ахборот технологиялари бўйича проректор (<i>Ж.А.Жахангиров</i>), Илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш бўлимининг бошлиғи (<i>Г.Н.Маматхужаева</i>), Муаммолар ҳайъати раислари</p>
29.	<p>Икки ой муддатда институтнинг халқаро илмий-техник маълумотлар базаларига доимий аъзолигини таъминлаш ҳамда улардан талаба, тадқиқотчи ва</p>	<p>1. Икки ой муддатда институтнинг халқаро илмий-техник маълумотлар базаларига доимий аъзолиги таъминланади.</p> <p>2. Халқаро илмий-техник маълумотлар базасидан талаба, тадқиқотчи ва ўқитувчиларнинг бепул фойдаланишини йўлга қўйилади.</p>	2022 йил февраль ойи Йил давомида	Институт бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан	<p>Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор К.З.Салахиддинов, Ахборот технологиялари</p>

ўқитувчиларнинг бепул фойдалинишни йўлга қўйиш.	3. Халқаро илмий-техник маълумотлар базасидан фойдаланиш ҳолати мониторинги олиб борилади.			бўйича проректор Ж.А.Жахангиров, Илмий тадқиқоталар, инновациялар ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш бўлимининг бошлиғи Г.Н.Маматхужаева
---	--	--	--	--

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 25 ноябрдаги 713-сонли “Андижон давлат тиббиёт институти ва унинг клиникаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори ижросини таъминлаш бўйича Андижон давлат тиббиёт институти режаси

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молия-лаштириш манбаси, маблағ	Масъул ижрочилар
I. Андижон давлат тиббиёт институти ўқув жараёнларини, илмий ишлар ва хорижий алоқаларни янада такомиллаштириш					
1.	Андижон давлат тиббиёт институти (кейинги ўринларда – Институт) ўқув жараёнларини ўқитишнинг кредит-модуль тизимига тўлиқ ўтказиш.	1. 2021–2022 ўқув йилидан бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларнинг 1-босқич талабалари ўртасида кредит-модуль тизимини жорий этиш. 2. 2025 йилга қадар Институт ўқув жараёнларини тўлиқ кредит-модуль тизимига ўтказиш.	2021-2025 йиллар	Маблағ талаб этилмайди	<i>Ўқув ишлари бўйича проректор (Б.Абдуллажонов), ўқув услубий бошқарма бошлиғи (Қ.Юсунов)</i>
2.	Барча ўқув режалари ва фан дастурлари, бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича малака талабларини кадрлар буюртмачилари таклифлари асосида	1. Малака талаблар, ўқув режалар ва фан дастурлари бўйича кадрлар буюртмачилари фикр мулоҳазалари ва таклифларини ўрганиб чиқиш. 2. Кадрлар буюртмачилари фикр мулоҳазалари ва таклифлари асосида	2022-2026 йиллар	Маблағ талаб этилмайди	<i>Ўқув ишлари бўйича проректор (Б.Абдуллажонов), ўқув услубий бошқарма бошлиғи (Қ.Юсунов)</i>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молия-лаштириш манбаси, маблағ	Масъул ижрочилар
	ишлаб ва тасдиқлаш. чиқиш	бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича малака талаблар, ўқув режалар ва фан дастурларини такомиллаштириш.			
3.	Профессор-ўқитувчилар таркибининг фаолият турлари бўйича вақт меъёрларини белгилаш.	Кредит-модуль тизимида фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчилар таркибининг фаолият турлари бўйича вақт меъёрларини қайта кўриб чиқиш.	2022 йил 1 апрель	Маблағ талаб этилмайди	<i>Ўқув ишлари бўйича проректор (Б.Абдуллажонов), ўқув услубий бошқарма бошлиғи (Қ.Юсупов)</i>
4.	Институт учун замонавий дарсликлар ва бошқа ўқув адабиётларини талабалар эҳтиёжига қараб яратиш ва чоп этиш.	1. Талабаларнинг ўқув адабиётларга бўлган эҳтиёжини ҳар йили янги ўқув йили олдида ўрганиб чиқиш. 2. Эҳтиёжга қараб профессор-ўқитувчилар томонидан ўқув адабиётлар яратиш режасини шакллантириш. 3. Янги авлод ўқув адабиётларини талабалар сонидан келиб чиқиб, эҳтиёжга қараб чоп этиш.	2022-2026 йиллар	Ҳисоб-китоб асосида институт бюджетдан ташқари маблағлари	<i>Ўқув ишлари бўйича проректор (Б.Абдуллажонов), ўқув услубий бошқарма бошлиғи (Қ.Юсупов), АРМ директори (М.Ахмедова), кафедра мудири</i>
5.	Ўқув ва даволаш жараёнига хорижий мутахассисларни жалб этиш, хорижий мутахассислар иштирокида масофавий семинарлар, маҳорат дарслари, тренинг, вебинарлар олиб бориш.	1. Долзарб йўналишлар бўйича хорижий мутахассислар рўйхатини шакллантириш. 2. Қисқа ва ўрта муддатли меҳнат шартномаларини тузиш. 3. Хорижий мутахассислар иштирокида масофавий семинарлар, маҳорат дарслари, тренинг ва вебинарларни ўтказиш графигини ишлаб чиқиш.	2022-2026 йиллар	Ҳисоб-китоб асосида институт бюджетдан ташқари маблағлари	<i>Ўқув ишлари бўйича проректор (Б.Абдуллажонов), илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор (Қ.Салохиддинов), халқаро алоқалар бўлими</i>
6.	Институт профессор-ўқитувчиларининг хорижда малака оширишини ташкил этиш.	1. Хорижда малакасини оширадиган профессор-ўқитувчилар рўйхатини шакллантириш. 2. Режа-график асосида малака оширишни	2022-2026 йиллар	Ҳисоб-китоб асосида институт бюджетдан ташқари	<i>Ўқув ишлари бўйича проректор (Б.Абдуллажонов), илмий ишлар ва</i>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молия-лаштириш манбаси, маблағ	Масъул ижрочилар
		ташкиллаштириш.		маблағлари	<i>инновациялар бўйича проректор (К.Салохиддинов), халқаро алоқалар бўлими</i>
7.	Тиббиёт ва таълим муассасалари менежменти бўйича институт раҳбар ходимларининг касбий маҳоратини ошириш.	1. Германиянинг Росток ҳамда Туркиянинг Хожитепа университетларида малака оширувчи раҳбар ходимлар рўйхатини шакллантириш. 2. Раҳбар ходимларнинг тиббиёт ва таълим муассасалари менежменти бўйича ўқитилишини ташкил этиш.	2021-2022 йиллар	Ҳисоб-китоб асосида Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари	<i>Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор (К.Салохиддинов), халқаро алоқалар бўлими</i>
8.	Докторантура ва стажёр-тадқиқотчилик институтига (мақсадли докторантурадан ташқари) тўлов-контракт асосида қабул квоталарини белгилаш.	1. Илмий салоҳияти етарли бўлмаган кафедралар эҳтиёжини ўрганиш. 2. Докторантура ва стажёр-тадқиқотчилик қабул квоталарини шакллантириш.	2021-2022 йиллар	-	<i>Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор (К.Салохиддинов)</i>
9.	Профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчилар ҳамда талабаларнинг Springer, Elsevier, ProQuest, EBSCO, Web of Science ва бошқа халқаро илмий-техник маълумотлар базаларидан эркин фойдаланиш имкониятларини яратиш.	1. Профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчиларни халқаро илмий-техник маълумотлар базалари платформасидан рўйхатдан ўтказиш. 2. Халқаро илмий-техник маълумотлар базалари платформасидан фойдаланиш бўйича семинар-тренинглар ўтказиш. 3. Халқаро илмий-техник маълумотлар базаларида индексланувчи журналларда илмий мақолалар чоп этиш самарадорлигини ошириш. 4. Ижобий тақриз олинган илмий мақолаларни чоп этиш харажатларини қоплаш.	2022-2026 йиллар	Ҳисоб-китоб асосида институт бюджетдан ташқари маблағлари	<i>Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор (К.Салохиддинов)</i>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш мuddати	Молия-лаштириш манбаси, маблағ	Масъул ижрочилар
10.	Институт нуфузини халқаро даражага кўтариш чораларни кўриш.	<p>1. Институтни хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик географиясини кенгайтириш, хорижий олийгоҳлар мутахассисларини ҳар йили Институтига жалб этиш ва ўқув-илмий изланишларни ҳамкорликда олиб бориш.</p> <p>2. Профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчилар ҳамда талабаларнинг халқаро тан олинган илмий журналларида нашрий фаоллигини ошириш.</p> <p>3. Таълим дастурларини халқаро таълим дастурларига интеграция қилиш, Институт бошқарувига хорижий мутахассислар иштирокида замонавий менежмент тизимини жорий қилиш.</p> <p>4. Институтдаги таълим дастурларини халқаро тиббий таълим федерацияси (WFME) талабига мувофиқ босқичма-босқич аккредитациядан ўтказиш.</p> <p>5. Маҳаллий ва халқаро иш берувчилар ўртасида институт битирувчиларининг рақобатбардошлигини ошириш.</p>	2022-2026 йиллар	-	<p><i>Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор (К.Салоҳиддинов), ТСНҚБ бошлиғи (Ғ.Тўйчиев), институт халқаро алоқалар бўлими.</i></p>
11.	2022-2023 ўқув йилидан бошлаб “Даволаш иши” ва “Педиатрия иши” таълим йўналишлари битирувчи курс талабалари учун ўқув йилининг биринчи семестри (5 ой) давомида доимий яшаш жойларидаги тиббиёт муассасаларида амалиёт ўташини ташкил этиш.	<p>1. Битирувчи курс талабаларини доимий яшаш жойларидаги бирламчи тиббиёт муассасаларига бириктириш.</p> <p>2. Режадаги маъруза ва ўқув машғулотларининг назарий қисмини масофавий шаклда олиб борилишини таъминлаш.</p> <p>3. Амалиёт якуни бўйича интеграл баҳолаш.</p>	2022/2023 ўқув йилидан	-	<p><i>Ўқув ишлари бўйича проректор (Б.Абдуллажонов), ўқув услубий бошқарма бошлиғи (Қ.Юсупов), факультет деканлари, ишлаб чиқариш амалиёти бўлими (Б.Мирзақармов)</i></p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш мuddати	Молия-лаштириш манбаси, маблағ	Масъул ижрочилар
12.	Институтни рақамлаштириш бўйича электрон кутубхона тизими, электрон ахборот алмашиш платформаси, камералаштириш, телемедицинани жорий қилиш.	<p>1. Электрон кутубхона тизимини такомиллаштириш, унинг маълумотлар базасини янги илмий ва ўқув адабиётлари билан бойитиб бориш.</p> <p>2. Электрон ахборот алмашиш платформасини Институт бошқарув тизимига жорий қилиш.</p> <p>3. Телемедицинани институтнинг жаррохлик йўналишидаги кафедраларида йўлга қўйиш ҳамда институт ва туман тиббиёт муассасалари ўртасида жорий қилиш.</p>	2021-2023 йиллар	Хисоб-китоб асосида Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари	<i>АТ бўйича проректор (Ж.Жахонгиров), АРМ директори (М.Ахмедова)</i>
13.	Институтнинг жозибadorлигини оширувчи турли тарғибот материаллари, шу жумладан буклетлар ва видеороликлар тайёрлаш.	<p>1. Жозибadorликни оширишга қаратилган тарғибот материалларини яратиш.</p> <p>2. Ижтимоий тармоқлар, оммавий ахборот воситаларида тарғибот ишларини ташкил этиш.</p> <p>3. Институт фаолиятини доимий равишда оммавий ахборот воситаларида кенг ёритишда маҳаллий ва марказий телевидение, радио ва бонсца оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни кенгайтириш.</p> <p>4. Институт матбуот хизмати фаолиятини кучайтириш ва зарур жихозлар билан таъминлаш.</p>	2021-2022 йиллар	Хисоб-китоб асосида Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Маркетинг бўлими бошлиғи (<i>А.Зияев</i>), Карьера бўлими бошлиғи (<i>А.Солиев</i>)
14.	Институтга бириктирилган Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумлари таълим дастурларини институтда мавжуд таълим йуналишлари	<p>1. Жамоат саломатлиги техникумлари таълим дастурларини институтда мавжуд таълим йуналишлари бўйича таълим дастурлари билан ўзаро узвийлигини ўрганиб чиқиш.</p> <p>2. 2022/2023 ўқув йили бошлангунга қадар</p>	2022-2023 ўқув йили	-	<i>Ўқув ишлари бўйича проректор (Б.Абдуллажонов), ўқув услубий бошқарма бошлиғи (Қ.Юсупов), АРМ директори</i>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молия-лаштириш манбаси, маблағ	Масъул ижрочилар
